

## **Матн мазмунида темпорал маънонинг ифодаланиши**

**Наргиза Амирова**  
(СамДУ 2-босқич магистранти)

*Мақолада бадиий ва бошқа турдаги матнларни яратиш ва унинг бадиий ва лисоний яхлитлигини таъминлашда вақт маъноли бирликларнинг аҳамияти ва матн мазмунида темпорал маънонинг ифодаланиши ҳақида фикр юритилган*

Маълум шакл ва мазмундаги ахборотни узатиш воситаси бўлган матн мазмунида замон ва макон кўрсаткичларининг мавжуд бўлиши муқаррар талабдир. Зеро, бундай кўрсаткичларга эга бўлмаган ахборот ҳеч қандай коммуникатив аҳамиятга эга эмас [Сафаров 2008:154]. Бири иккинчисини бевосита тақозо этадиган замон ва макон концептларининг бир-биридан фарқи шундаки, макон – уч ўлчовли ҳодиса бўлса, замоннинг ўлчови ягона, у ўтган даврни орқада қолдириб, келажак сари ҳаракат қилади. Макон бир пайтда мавжуд бўлган объектларнинг жойлашиш тартиби, замон эса бирин-кетин содир бўлаётган ҳодисалар кетма-кетлигидир. Замон (вақт) концептининг воқеликни билиш ва ўзлаштирилган ахборотни узатишдаги ролининг муҳимлиги шундаки, «биз борликдаги ақл-идрокимизга бўйсунадиган барча ҳодисаларни замон нуқтаи назаридан идрок этамиз» [Маслова 2006:77].

Ҳар қандай мавзу ва даврга оид бадиий матннинг тил хусусиятлари текшириляётганида, унда баён этиляётган воқеликка макон ва замон нуқтаи назаридан ёндашиш керак бўляди, чунки ҳар қандай асар давр ва ҳудуд билан боғлиқ ҳолда яратилади.

Матннинг замон, яъни темпораллик структураси унинг мазмун мундарижасининг узвий бир қисми бўлиб, у мазмун яратиш ва уни тушуниш фаолиятлари учун ғоятда муҳимдир. Тилшунос олим Ш.Искандарованинг таъкидлашича, темпораллик «семантик категория бўлиб, у инсон томонидан сўзловчи нутқи моментиға ёки бошқа ҳисоб нуқтасига нисбатан белгиланаяётган вазиятлар ва уларнинг элементларини қабул қилиш ҳамда англашни ифодалайди» [Искандарова 2007:121].

Темпораллик категорияси бадиий ва бошқа турдаги матнларда муҳим стилистик, коммуникатив, прагматик вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Бадиий матнларда темпораллик коммуникатив-экспрессив мазмунни шакллантириш, бадиий образлиликни таъминлаш, қолаверса, хронологик кетма-кетликни ифодалаш, ифодаланаяётган ахборотнинг тушунарлилик даражасини ошириш учун хизмат қилади. Темпораллик бадиий матнларнинг лисоний ва бадиий, мантиқий яхлитлигини, ахборот ифодалаш ва уни ўқувчига етказишни маълум даражада осонлаштирувчи воситалардандир.

Темпоралликни ифодаловчи воситаларни тасвир жараёнида қўллашда сўзловчи албатта маълум коммуникатив мақсадни қўзлайди ва шу мақсадни

муваффақиятли амалга ошириш учун у шаклланаётган мазмунни аниқ нутқий вазиятга мослаштиришга ҳаракат қилади.

Темпораллик маъноси турли бирликлар орқали ифодаланиши маълум. Темпорал лексика тадқиқотчиси М.Ҳакимова грамматик замон шакллари темпорал майдоннинг ядроси сифатида эътироф этади [Ҳакимова 2004:105], вақт маъноли лексема ва фраземалар эса бу ядрога нисбатан периферик майдонни ташкил этади, деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи «лексик-фразеологик периферик майдон ва унинг ядроси марказий ядрога мансуб бўлган феъл замон шакллари абастрат грамматик маъноларининг конкретлаштиришга ёрдам қилади» деган хулосага келади.

«Замон категорияси матнда темпораллик маъноси ва структурасини яратувчи мантиқий-лисоний омилдир. Аммо ушбу структуранинг юзага келиши барча турдаги матнларда ҳам бир хилда кечавермайди. Зотан, турли вазифавий услубларда кўзланадиган коммуникатив мақсад бир хил бўлмаганлиги сабабли, матнларда темпораллик маъноси ҳам ифода услуби ва мундарижавий таркиби билан фарқ қилиши табиийдир. Бинобарин, бадиий матнларда замон шартли категориядир, чунки унинг воқеланиши ва бажарадиган вазифаси узатилаётган ахборотнинг нореал, тўқима воқеликни баён қилиш услуби билан боғлиқдир» [Боймирзаева 2009].

З.Я.Тураеванинг таъкидлашича, бадиий матнда замон дунёни ўзига ҳос идрок этиш услуби намунасидир. Бадииятда замон реал вақт оралиғини бевосита акс эттирмайди, аксинча, у реал (воқеий) замон ҳақидаги бизнинг тасаввуримиз ва тушунчаларимизнинг натижасидир [Тураева 1979:48].

Бадиий матн темпораллик тизимини ўрганишда замон категориясининг моҳиятини белгиловчи хусусиятларни ажратиш билан бир қаторда, бадиий замон семантикасини ифодалаш имкониятига эга бўлган лисоний воситалар гуруҳини ҳам аниқлаш вазифаси қўйилади. Бадиий замон моҳиятини белгиловчи хусусиятлар барча тиллар учун умумийдир ва бу хусусиятлар негизида замон категориясининг матн сатҳида шартли характердаги маъно касб этиши билан боғлиқлиги ётади. Ушбу сатҳда бирор бир аниқ нутқ лаҳзаси (моменти) замон категориясининг ўлчов бирлиги (нуқтаси) бўла олмайди. Бадиий матнда вақт ўлчови асар персонажлари бажараётган ҳаракатлар ва содир бўлаётган воқеалар кетма-кетлиги, давомийлигига асосланади [Москальская 1981-114]. Замон категориясининг матнда бу йўсиндаги давомийлик ва тартиб муносабатларини юзага келтиришдаги роли, ушбу категория таҳлилида парадигматик ва синтагматик муносабатлар доирасидан чиқиб, интеграцияни таъминловчи муносабатларни эътиборга олишга ундайди [Тураева 1979:48].

Ўзбек тилшунослигида бу борада қуйидагича фикрлар мавжуд: «грамматик замон категорияси, деб ёзади А.Ҳожиёв, - ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини ифодалайди» [Ҳожиёв 1975:475-476]. Ёки «пайт валентлигига таъсир этиш орқали кесимни шакллантирида иштирок этиш ва ундан англашилган воқеликнинг нутқ моментига муносабатини ифодалаш замон категориясига ҳос хусусиятдир» [Сайфуллаева 2007: 208-209].

Темпораллик майдонининг марказини феълнинг замон шакллари эгаллашини эътироф этган С.Боймирзаеванинг қуйидаги фикрларини эслатиш ўринлидир: темпораллик маъноси матн мазмуни яратилишининг энг асосий шартларидан биридир ва бу маънонинг яратилишида турли лисоний шаклларнинг ўзаро муносабати ҳал қилувчи вазифани ўтайди. Бири иккинчисини тўлдириш (бажариладиган вазифа жиҳатидан) шакллар орасида феъл шакли асосий ўринни эгаллайди. Чунки матн мазмуни ва структураси яхлитлигининг асосий шартларидан бири феъл замон шаклларининг режалаштирилган коммуникатив режа талабларига мос ҳолда матн таркибида жойлашувидир. Демак, грамматик замоннинг матн темпораллик структураси тузилишида тутган ўрнини бошқа турдаги лисоний шакллар «соя»сига ўтказиб қўйиш анъанасидан воз кечиш пайти келди десак ҳам бўлади. Шу сабабли бадий матнда темпораллик майдонининг марказини нима ташкил этишини билиш муаммоси матн тилшунослигининг муҳим вазифаларидандир. Бу муаммонинг ечимини топиш учун турли мазмун ва ҳажмдаги бадий матнлар темпораллик структурасини батафсил тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилади [Боймирзаева 2009].

Баён этилаётган воқеа-ҳодисаларнинг аниқлигини, ишонарлилигини таъминлашда баъзан замон кўрсаткичларидан ташқари, вақтга ишора қилувчи сўзлар ва сўз бирикмалари ҳам иштирок этади.

Вақт маъносини ифодаловчи бирликлар бадий матнда ўзаро боғланиб, баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг континуумини, хронологик кетма-кетликни ифодалашга хизмат қилади. Ҳар қандай турдаги матнда вақт континууми бўлиш шарт, матн тури, услуби ва муаллифнинг прагматик мақсадига қараб вақт маъносининг ифодаланиши турли даражада, яъни аниқ ёки нисбатан ноаниқроқ (хирароқ) берилиши мумкин. Вақт континууми кўпроқ тарихий мавзудаги бадий матн турларида нисбатан ёрқин ва аниқроқ тарзда акс эттирилади. Матн компонентлари эса темпорал маънога эга сўзлар занжири билан узвий боғланади. Вақт маъноли лексемалар матнда гапларни ўзаро шакл ва мазмунан бирлаштиришга хизмат қилувчи асосий восита бўлиб хизмат қилади. Бир оз бошқача айтганда, улар гапларни мазмун ва синтактик жиҳатлардан боғлаган ҳолда матн шакллантириш имкониятига эга. Фикримишни қуйидаги мисоллар асосида далиллаймиз:

*Қизи товуш чиқармай куюниб йиғлади. У ўз онасидан юрагига ништар бўлиб санчиладиган сўзни шу билан иккинчи марта эшитаётибди, илгари, ҳазилми-чинми, «боланг эрингга ўхшамайди» деган эди. Хотин кишининг юрагидан фарзанд доғи кетса кетадики, бундай гапнинг алами кетмайди. Энди «итялоқ» деяётибди. Бу гапни гар ҳам кўтара олмас, тикка юлшиар эди. Бироқ унинг тили қисқ, айниқса мана бу гурбат билан бошланиб, гурбат билан тугаётган кунларда онасига сўз қайтариши эмас, рўпара бўлишга ҳам юраги безиллар эди (А.Қаххор, “Қўшчинор чироқлари”)*

Мазкур матн парчасидаги *илгари, энди, мана бу гурбат билан бошланиб, гурбат билан тугаётган кунларда* каби бирликлар вақт маъносини ифодаловчи воситалар ҳисобланиб, улар ўз навбатида, матн қисмлари

узвийлигини, воқеалар баёнидаги кетма-кетликни таъминлашга хизмат қилган. Кўринадики, муайян бадиий матн таркибидаги гапларнинг шаклан ва мазмунан боғланиб, бир бутунликни ҳосил қилишида ва баён этилаётган воқеликнинг китобхон тафаккурида узвий кетма-кетликда ва тушунарли тарзда идрок этилишида темпорал маънога эга бирликларнинг аҳамияти катта.

*Шуҳрат ака ҳамиша ҳаёт, адабиёт билан ҳамнафас, ҳамқадам, адабиёт оламидаги янгиликлардан хабардор, адабий ҳодисаларга, асарларга одил баҳо бера оладиган, ўз асарлари, уларнинг савия-даражаси, адабиётдаги ўрни, кам-кўстларини нозик фаҳмлай биладиган, ҳаққоний танқидга доимо тан берадиган зукко, мард қаламкаш эди. Салкам ўттиз йил давомида мен бу адиб ижодини мунтазам кузатиб бориб, асарларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида гоҳ даҳанаки, гоҳ ёзма тарзда кўп марта гапирган, баҳслашган, анча кескин танқидий гаплар айтган пайтларим бўлган. Аммо бирор марта бўлсин, бу одамнинг танқидни ўзига қаттиқ олганини билмайман; фақат гапимга қўшилмаган кезлари ётиги билан ўз фикрини айтган... Айни пайтда у ўзининг инсонлик шаънини, гурурини баланд тутта биларди; шахсиятига тегадиган, асарларини асоссиз ерга урадиган галамислар билан мардона туриб олишганини неча бор кўрганман. (У. Норматов, Адибнинг бахти / Ижод сеҳри. -Тошкент: «Шарқ», 2007. - Б.298-299). Айни матнда ҳамиша, доимо, салкам ўттиз йил давомида, мунтазам, гапимга қўшилмаган кезлари, айни пайтда каби темпорал бирликлар шахсга нисбатан билдирилаётган субъектив муносабатни мазмунан ва мантиқан тўлдиришга хизмат қилиб келяпти, бу каби ўринларда вақт маъносининг ифодаланиши хиралашиб, бу бирликларнинг прагматик функцияси кенгаяди.*

Мисоллар таҳлилидан ҳам кўринадики, бадиий ва бошқа турдаги матнларни яратиш ва унинг бадиий ва лисоний яхлитлигини таъминлашда вақт маъноли бирликларнинг аҳамияти катта.

### **Библиография**

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. -Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -285 б.
2. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. -М.: Флинта-Наука, 2006. -296 с.
3. Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. -Тошкент: Фан, 2007. -152 б.
4. Ҳакимова М.К. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бирликлар ва уларнинг матн шакллантириш имкониятлари: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. —Фарғона, 2004. -23 б.
5. Боймирзаева С. Матн мазмунида темпораллик семантикаси. —Тошкент: ЎЗМЭ, 2009.
6. Тураева З.Я. Категория времени. Время грамматическое и время художественное. —М.: Высшая школа, 1979.
7. Москальская О.И. Грамматика текста. — М.: Высшая школа, 1981.

8. Ҳожиёв А. Феъл //Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. –Т.: Фан, 1975, 475-476 б.
9. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г., Қурбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳозирги ўзбек тили. Тошкент. 2007, 208-209 б.